



Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2018 йил 30 ноябрь, № 247 (7205) **Жума**

Сайтимиъга ўтиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.

ИҚТИСОДИЁТНИ ИННОВАЦИЯЛАРНИ КЕНГ ЖАЛБ ЭТГАН ҲОЛДА ҲАР ТОМОНЛАМА РИВОЖЛАНТИРИШ — ХАЛҚ ФАРОВОНЛИГИНИ ЮКСАЛТИРИШНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев жойларда ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг бориши, амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари, йирик лойиҳалар билан танишиш мақсадида 29 ноябрь кuni Хоразм вилоятига келди.



Давлатимиз раҳбари Хоразмга ташрифи чоғида вилоят иқтисодиётини ривожлантириш, sanoat ва қишлоқ хўжалигини таркибий ўзгартириш, ижтимоий объектлар барпо этиш ва инфратузилmani яхшилаш, аҳоли фаровонлигини ошириш бўйича қатор вазифаларни белгилаб берган эди.

Ўтган даврда ҳудудда қўлаб янги корхоналар, кичик бизнес субъектлари ташкил этилиб, кенг қўламли бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. sanoat, транспорт, қишлоқ хўжалиги, туризм, таълим ва бошқа соҳаларда истиқболли лойиҳалар ҳаётта таътиб этилди. Йирик корхоналар, уй-йойлар, таълим муассасалари, ижтимоий-маданий объектлар қурилди. Яна қўлаб лойиҳалар бўйича ишлар давом эттирилмоқда.

Ўтган йили корхонада 5,7 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилиб, ички бозорга йўналтирилди. Жорий йилдан тўла қўват билан ишлаб бошлаган корхонада октябрь ойи ҳолатига қўра 12,5 миллион жуфт пайпоқ тўқилди. 3,85 миллион долларлик маҳсулот АҚШ, Россия, Молдова, Украина каби қатор мамлакатларга экспорт қилинди.

Давлатимиз раҳбари корхона қошида ташкил этилган логистика маркази, тўқув, қадоқлаш цехлари, лаборатория фаолияти билан танишиди, ишчиларга яратилган шарт-шароитлар билан қизиқди.

Мазкур корхона технологик имкониятларига қўра дунёда санокли, Марказий Осиёда ягона ҳодир. Бу ерда йиллик қўра пайпоқ, сочик каби тўқимачилик маҳсулотларининг янги моделларини ўлаштириш ва экспорт ҳажминини ошириш бўйича иш олиб борилмоқда.

Иқтисодиётимизга инвестиция киритиш, ички ва ташқи бозорда рақобатбардор маҳсулотлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш бўйича берган топшириқларимиз тўғрисида бўлган таътиб сўзларимиз давом этди. "Корхона оҳанган, иш ўрни яратаман", деганга ҳеч қандай тўсиқ йўқ, бизнес учун барча қафолатлар яратилган. Бундан ҳориқ ҳамкорлар ҳам манфаатдор бўлиб, экспортга ҳисса қўшмоқда, деди давлатимиз раҳбари.

Шу ерда Хоразм вилоятида тўқимачилик sanoatини ривожлантириш, "Deroger Textile" МЧЖ томонидан "Хазорасп" эркин иқтисодий зонаси ҳудудига энгил sanoat қўра мажмуаси ташкил этилиши, Шовот туманида ирпаш ишлаб чиқариш бўйича янги

йиғирув фабрикаси қуриш, Урганч шаҳрида "Textile Japanse Norezmi" МЧЖ томонидан тайёр трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқариш, Тошкент вилоятининг Паркент туманида Заркент санаторийининг барпо этилиши лойиҳалари ҳақида маълумот берилди.

Давлатимиз раҳбари энгил sanoat тармоғини жадал ривожлантириш, маҳсулот экспортини кенгайтириш, қўшимча даромад манбалари ва иш жойини қўлайтириш юзасидан зарур кўрсатмалар берди.

ТРАСТ ФОНДИНИНГ ТУЗИЛИШИ ҲАҚИДА

Хорижий оммавий ахборот воситаларида эътироф этилишича, Биладельган Миллатлар Ташкилотининг Оролбўйи минтақаси учун Инсон ҳавфсизлиги бўйича кўп томонлама шериклик асосида траст фондининг тузилиши Ҳазорасп дипломатиясининг катта ютуғи бўлди.

THE NEW YORK TIMESнинг мақолада АҚШнинг нуфузли **"The New York Times"** газетаси муҳбири Орол денгизини буткул тиклаб бўлмаганини аёнлиги сабабли унинг янгилик оқибатларини юмшатиш ва

Муносабат

«Орол денгизи кетди, лекин одамлар қолди, биз улар ҳақида қайғуришимиз керак»

Орол инқирози — замонамизнинг энг йирик экологик фожиаларидан бири. Бугун у яна бир бор дунё ҳамжамияти эътибори марказида.

Эътироф

Александр Лукашенко: «Шавкат Мирзиёев — Ўзбекистонни севадиган ва яхши биладиган, мамлакат учун жуда кўп эзгуликлар қилган инсон»

«Шавкат Мирзиёев — Ўзбекистон севадиган ва яхши биладиган, мамлакат учун жуда кўп эзгуликлар қилган инсон. У барча муаммоларни ҳал қилди. Шу боис Президент сифатида иш бошлаганидан унга энг афдордаги ҳолатнинг аслини билишга ҳоҳат йўқ эди.

Дунёнигоҳи

Оролбўйида истиқомат қилаётган аҳолининг турмушини яхшилаш, бу ерда иқтисодий ривожланишни таъминлаш, соғлом турмуш тарзини йўлга қўйиш зарурлигини таъкидлайди. Траст жамғармаси ушбу масалаларни ҳал қилиш ва қўшимча дастурларни амалга ошириш учун молия манбаларини йўналтириш имконини беради.

қорхонасида амалга оширилаётган йирик лойиҳа улاردан бири. Президентимизнинг биллачилиги янада ривожлантириш борасидаги ташкил этилган асосда корхона жойлашган бино 1976 йилда қурилган, кейинги 15 йил мобайнида бўш турган эди. Ташландиқ бинода иш бошлаган корхонада инновацион технологиялар, креатив ёндашувлар асосида ишлаб чиқилган лойиҳанинг биринчи босқичи жорий йил август ойида ишга туширилди. Кластер усулида йилга 140 тоннадан зиёд қўрғай пиллини қайта ишлаш қувватига эга корхонада 110 та доимий иш ўрни яратилди.

Хоразм

Хоразм вилоятининг туризм салоҳиятини ривожлантириш, Хива шаҳрининг тарихий қисmini батафсил режалаштиришга сид лойиҳалар билан танишиди. Уларда мамлакатимизда халқаро бренддаги мехмононалар бунёд этилиши, савдо ва сервисни кенгайтиришга қаратилган режалар тақдим этилди.

Хива шаҳрида қўра қаватли ишбилармонлар билан суҳбатлашиб, уларнинг инвестиция тақлифлари бўйича кўрсатмалар берди.

Хива

Хива шаҳрида қўра қаватли ишбилармонлар билан суҳбатлашиб, уларнинг инвестиция тақлифлари бўйича кўрсатмалар берди.

Хива шаҳрида қўра қаватли ишбилармонлар билан суҳбатлашиб, уларнинг инвестиция тақлифлари бўйича кўрсатмалар берди.

Хива

Хива шаҳрида қўра қаватли ишбилармонлар билан суҳбатлашиб, уларнинг инвестиция тақлифлари бўйича кўрсатмалар берди.

Хива шаҳрида қўра қаватли ишбилармонлар билан суҳбатлашиб, уларнинг инвестиция тақлифлари бўйича кўрсатмалар берди.

Хива

Хива шаҳрида қўра қаватли ишбилармонлар билан суҳбатлашиб, уларнинг инвестиция тақлифлари бўйича кўрсатмалар берди.

Хива шаҳрида қўра қаватли ишбилармонлар билан суҳбатлашиб, уларнинг инвестиция тақлифлари бўйича кўрсатмалар берди.

Мақсадимиз сари дадил қадам ташлаймиз

Бозор муносабатларини ривожлантиришга қаратилган Ўзбекистон иқтисодиёти негизини хилма-хил шаклдаги мулк ташкил этади. Улар орасида хусусий мулк алоҳида ўрин тутаяди ва мулкдор унга ўз хоҳишича эғалик қилади. Муҳими, мулкнинг ушбу шакли ҳам дахлсиз ҳамда давлат ҳимоясидадир.


Бизнинг хусусий мулкчиликка асосланган тадбиркорлик субъектимиз шу имконият ва қаролдан келиб чиқиб ташкил этилган. Бундан ўн тўрт йил аввал вилоят маркадаги Машраб номидаги кинотеатрни олиб, унинг фаолиятини намунали йўлга қўйиш ҳаракатини бошлаган эдик. Мулкдорлик ҳисси кишини янги мақсадлар сари

етаклар экан. Бинони қисқа муддатда таъмирлаб, кўпчилик ҳавас қиладиган даражага келтирдик. Илгор аудио ва видеожаҳозлар ҳисобига моддий-техника базаси яхшиланди. Натихада томошабинлар яна катта экран қаршига қайтди. Қўшимчасига бинода суратхона, компьютер хизмати, мобил телефонларини таъмирлаш шохобчаларини

очдик. Қисқаси, бугунги кунга келиб кинотеатримиз ўзининг аввалги нуфузини тиклаб, чинакам маданий-маърифий масканга айланди. Буларнинг барчаси тадбиркорликнинг ҳуқуқий қаролига, яратиб берилган шароит ва имтиёзлар билан боғлиқ.

Тоҳиржон МЎМИНОВ,
Наманган шаҳридаги «Медиторсервис» МЧЖ раиси.

Конституция — менинг тақдиримда



...Давлат истеъмолчиларнинг ҳуқуқи устулгини ҳисобга олиб, иқтисодий фаолият, тадбиркорлик ва меҳнат қилиш эркинлигини, барча мулк шаклларида тенг ҳуқуқлигини ва ҳуқуқий жиҳатдан баб-баравар муҳофаза этилишини қаролатлади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 53-моддасидан.

Юртимизда тадбиркорлар учун яратилган имконият ва шароитдан фойдаланиб, ушбу соҳага қўл урганишимизга, мана, бир неча йил бўлиб қолди. Ҳозир тикувчиликка ихтисослаштирилган қорхонамизда 12 турда маҳсулот тайёрланмоқда.

Фотимахон ҲУСАНОВА,
Андижон шаҳридаги «Жило» МЧЖ раҳбари.


Конституциямиз ҳақиқий маънода адолат қўргони эканига ҳаётимда бўлган бир воқеа мисолида тақрор амин бўлдим.

Ҳақиқат қарор топди

Гап шундаки, Қувасой шаҳридаги қаровсиз теннис кортини 2006 йилда сотиб олиб, ўзимга қарашли «Қувасойавтортранс» МЧЖ балансига ўтказганим. Қисқа вақт ичида бу ерни тўлиқ таъмирдан чиқариб, 20 та иш ўрни яратдик.

Бундан хурсанд эдик, ammo қувончимиз узоққа бормади. Майдоннинг 0,43 гектарлик қисми айрим раҳбарларнинг айби билан олиб кўйилди. Адолат истаб Ўзбекистон Республикаси Президентини виртуал қабулхонасига қилган мурожаатим асосида ушбу масала атрофида ўрғаниб чиқилди ва натижада ҳақиқат қарор топди. Қонун устувор бўлган юрtdа яшаётганимиздан фخرланамиз.

Шодмонжон АРИПОВ,
меҳнат фахрийси.
Қувасой шаҳри



Анжуман

Ўз вазифасига виждонан ёндашмаслик, ваколатларини тўлиқ ишга сола олмастик, муҳим қарорлар қабул қилишда ишончнинг етарли эмаслиги, давлат хизматчиси масъулиятининг мезонларидан умуман бежабарлик... Айрим ёш бошқарувчиларга хос бўндай камчиликлар хусусида "Ўзбекистонда ёш раҳбар кадрларнинг бошқарув салоҳиятини юксалтириш: муаммо ва камчиликлар" мавзусидаги республика илмий-амалий конференциясида сўз юритилди.

Бошқарув тизими:

Эскича услуб НАТИЖА БЕРМАЙДИ

Ўзбекистон Республикаси Президентини ҳузурдаги Давлат бошқаруви академияси, унинг қошидаги Ёшлар муаммоларини ўрганиш ва истиқболли кадрларни тайёрлаш институти ҳамда Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда соҳада мавжуд муаммолар ва уларнинг амалий ечимларига эътибор қаратилди.

— Институтибиз ўз фаолиятини бошлаганига бир ярим йил бўлди ва ўтган давр мобайнида айнан ёш раҳбарлар ўртасида жуда кўплаб сурвонмалар ҳамда тадқиқотлар ўтказилди, — дейди Ёшлар муаммоларини ўрганиш ва истиқболли кадрларни тайёрлаш институти директори, сиёсий фанлар доктори Ақтам Жалилов. — Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, айрим ёш раҳбарларимиз давлат хизматчиси деган масъулиятни тўлиқ зиммасига ола билмаётти. Бу уларда бошқарувчилик бўйича билим ва қўбилишнинг етарли эмаслиги билан ҳам боғлиқ. Замонавий бошқарувда бу каби маъмурий мезонлар эмас, етакчилик, жамоа билан ишлаш, ҳодимларини юксак мақсадлар сари сарфлар этиш, ўзининг илгор голяри ордидан эргаштира олиш каби усуллар лозим. Анжуман натижаларига кўра, институтининг тингловчиларни қабул қилиш камровини янада ошириш, раҳбарлик салоҳияти юқори ёшларнинг замонавий лидерлик қўбилишларини тарбиялашда янги ёндашувлари ишлаб чиқиш назарда тутилган.

Тадбир ташкилотчилари Россия Федерацияси Президенти ҳузурдаги Жалқ ҳужалиги ва давлат бошқаруви академиясига қарашли Сибирь бошқарув институти давлат фаолият олиб бораётган ҳамкасблари билан онлайн мулоқот қилишди. Унда соҳада янгиликлар ҳамда жалқор мезонлар оқсаздан ўзaro тажриба алмашилди.

Мунисхон КАРИМОВА,
«Жалқ сўзи» мухбири.

ВОҚЕАЛАР Янгиликлар Тафсилотлар



Автомобилларни бронлаш муддати қисқарди

"GM Uzbekistan" компанияси дилерда мавжуд автомобилларни бронлаш (банд қилиш) муддатларини бир кунгача қисқартирди. Унга қўра, энди Uzavtosavdo.uz платформаси орқали автоловни бронлаган мижоз 24 соат давомида уни харид қилиш учун шартнома имзолаши ва/ёки тўловни амалга ошириши лозим бўлади. Бундан қўзилган мақсад дилерлик марказларида автомобиль хариди жараёнида юзага келаётган сохта аризаларни йўқ қилишдир.

«Автомобиль брони 1 кун сақланади. Ушбу муддат тугагач, танланган автомобиль брондан олинлади», дейилади компания хабарида.

Эслатиб ўтамиз, жорий йилнинг 7 ноябрь кuni "GM Uzbekistan" автомобилларини онлайн режимида харид қилиш учун Uzavtosavdo.uz интернет ва мобиль платформаси ишга туширилган эди.

Сотувда олтин ва кумуш тангалар

Аҳолининг инвестиция ва жамғариш имкониятларини кенгайтириш, мамлакатда қimmatбахо металллар бозори фаолиятини ривожлантириш мақсадида ҳамда жаҳон тажрибаси ва амалиётдан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки олтин ҳамда кумушдан тайёрланган эсдалик тангаларни муомалага чиқарди.



Сотувга 1994 — 2009 йилларда зарб этилган, 2 хил олтин ҳамда 14 хил кумуш эсдалик тангалар қўйилган бўлиб, уларнинг асқиллик даражаси 999,9 ҳамда оғирлиги 31,1 граммдан иборат. Харидорларга жами 1 900 дона олтин ҳамда 6 900 дона кумуш эсдалик тангалар тақдир этилади.

Эсдалик тангаларни сотиш нархи Марказий банк томонидан хар ҳафтада камида бир марта миллий валютада белгиланади. Эсдалик тангаларни тижорат банклари билан бир марта миллий валютада белгиланади. Эсдалик тангаларни тижорат банклари билан бир марта миллий валютада белгиланади. Эсдалик тангаларни тижорат банклари билан бир марта миллий валютада белгиланади. Эсдалик тангаларни тижорат банклари билан бир марта миллий валютада белгиланади.

Сотувга 1994 — 2009 йилларда зарб этилган, 2 хил олтин ҳамда 14 хил кумуш эсдалик тангалар қўйилган бўлиб, уларнинг асқиллик даражаси 999,9 ҳамда оғирлиги 31,1 граммдан иборат. Харидорларга жами 1 900 дона олтин ҳамда 6 900 дона кумуш эсдалик тангалар тақдир этилади.

Куритилган қалампирга харидор бор

"Ўзбекизоқвотхолдинг" ҳолдинг компанияси Туркия компанияларидан бири билан имзоланган битим доирасида ушбу мамлакатда 35 минг тонна куритилган аччиқ қалампир этказиб беради.

Бу ҳақда ҳолдинг бошқаруви раиси маълум қилди. Маълумот учун, бундан олдин компания 45,9 миллион долларлик 40,3 минг тонна ана шундай маҳсулотни Россия ва Хитойга этказиб беришга доир келишувга эришганди.

Статистика қўмитаси маълумотларига қўра, мамлакатимиз 2018 йилнинг тўққиз ойида 7,4 миллион долларлик қалампирни хорижга сотган.

Интернет материаллари асосида тайёрланди.

Бентонит гилларини қишлоқ хўжалигида қўллашнинг янги инновацион усули

У Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Навоий бўлими олимлари томонидан пахта далаларида синондан ўтказилмоқда.

Йил дастури — амалда

Бугунги кунда Навоий вилоятининг Қизилтепа туманидаги "Азкамар" ва Навбахор туманидаги "Навахор" конларида олиняётган бентонит гилларидан нафақат ички эҳтиёж учун фойдаланилади, балки у бир қатор давлатларга экспорт ҳам қилинмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Навоий бўлими раҳбари, геология-минералогия фанлари доктори Абдураззоқ Мирзаев "Навахор" бентонит гиллари кони кашфиётчиси. Унинг излашишлари самараси ўлароқ, 2002 йилда ушбу кон негизиде йиллик қуввати 40 миң тонна бентонит кукунини ишлаб чиқарувчи завод қурилиб, 100 дан ортиқ иш ўринлари яратилди.

— "Навахор" конининг бошқаларидан фарқи шундаки, бу ерда бентонитнинг "ишқорли" ва "ишқорли-ер" ҳамда гилининг "карбонатли-полигорскит" турлари қатлам бўлиб жойлашганидадир. Улар дунёдаги бошқа бирор қанда биргалика учрамайд, — дейди А. Мирзаев. — Булимининг олимлари "Навахор" кони гилларини қишлоқ хўжалиги соҳасида қўллаш мақсадида Хатирчи туманидаги "Пултат бобо" фермер хўжалиги пахта далаларида таж-

риба ўтказишди. Пировардида гиллар ҳосилдорлигини ошириши баробарида, гўзани сув танқислигига бардошлилик имкониятини яхшилагани маълум бўлди.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, бентонит гиллари таркибиде 20 дан ортиқ фойдале элементлар мавжуд. Шу боис ундан қишлоқ хўжалигида ўтган асрнинг 60-йилларидан фойдалана бошлашган. Лекин бентонит гилларининг узлуқсиз ишлатилиши тўпроқ таркиби бузилишига, унинг зилчаллишига олиб келиши кутилган. Бу эса, ўз навбатида, унинг кенг қўлланилишига таъсир қўрсатаётган эди.

Навоийлик олимлар бу ёрада инновацион услубга таянишди. Гап шундаки, 21 гектар майдонга чигит бентонит гиллари кукунини билан қобиқлаб экилди. Натихада гўза ниҳоллари 5 — 7 кун олдин униб чиқди. Ниманинг эвзавига? Бунга бентонит гилларининг тўпроқдаги намликни ўзига сўриб олиб, чигитнинг сувга бўлини эҳтиёжини тўла таъминлагани асосий сабаб бўлди. Қолаверса, ушбу усул тўпроқ таркибининг ҳам яхшилашга олиб келади. Чунки бир гектар майдонга қадаладиган чигитни қобиқлашга

10 — 15 килограмм бентонит кукунини қўрилади, ҳоло. — Жорий йилда сув танқислиги туфайли гўзаларни вақтида сўғориш имконияти бўлмади, — дейди олим. — Шу боис фермерга бентонит гиллари кукуниндан 5-6 физик суспензия тайёрлаб, баргидан озиклантириш тавсия қилинди. Мазкур тажриба ҳам муваффақиятли кечди. Бентонит гилларининг сувни ўзига шимиб туриш хусусияти, яъни "сорбцион" фаолияти бунда муҳим аҳамият касб этди.

Фўза ниҳоллари "ОВХ" пурағачи билан 200 литр сувга 8 — 10 килограмм бентонит кукунидан суспензия тайёрлаб, баргидан озиклантириш амалиёти қўлланди, у гўза баргида юпқа қобиқ ҳосил қилиши кузатилди. Юпқа қобиқдаги микроэлементлар ва сув заррачалари баргидеги микрокапиллялар орқали гўзани бир мевёда озиклантириши аниқланди. Излашилса эса, унинг самарадорлиги 7-8 кунга етишини кўрсатди.

Буни синчковлик билан кузатган фермер гўзани биринчи сув билан сўғориш учун навбати келгунга қадар баргидан бентонит гиллари кукунидан тайёрланган суспензиялар билан 8 — 10 марта озиклантириши ҳисобига нафақат гўзани сақлаб қолди, балки биринчи теримдан

олди-сотди, ижара ёки бошқа битимлар объекти бўлган мол-мулк ундирувга қаратилишида ҳам кредиторнинг устувор ҳуқуқи белгиланди. Бу нима дегани?

— Гаров ҳам, лизинг ҳам олди-сотди шартномаларидаги предметларнинг ундирув тартиби бир хил бўлади, — дейди Халқор Молия корпорацияси молия сектори мутахассиси Жаҳонгир Нурмурадов. — Бу бозор иштирокчилари вазияти олдидан прогноз қила олиши ва шу асосда молиялаштириш ишларини осон ҳал этишда қўл келади.

Кредит ва гаров: САМАРАСИЗ МЕХАНИЗМЛАРДАН ВОЗ КЕЧИЛАДИ

Яқинда Президентимиз "Кредиторларнинг ҳуқуқий ҳимоясини кучайтириш ва тадбиркорлик фаолиятини молиялаштириш механизмларини тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорга имзо чекди.

Мазкур ҳужжатни қабул қилишдан қўзилган мақсад нима? Бу ҳақда мутахассислар фикрларига таянган ҳолда батафсил тўхталамиз.

Сўнги йилларда юртимизда ишбилармонлик муҳитини яхшилаш бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга оширилди. Хусусан, кредитлаш жараёнида ҳам кўп ютуқларга эришилди. Масалан, сўнги 2 йил мобайнида банклар томонидан инвестициявий лойиҳаларни кредитлаш даражаси охиб, кредит портфели 3,2 баравар кўпайди. Худудларни ривожлантириш мақсадидаги турли дастурлар доирасида 6,4 мингта лойиҳага умумий қиймати 27 трлн доллар сўмга тенг сармоя ажратилган.

Бир қарашда ҳаммаси рисоладагидек. Лекин давлатимиз раҳбари раислигида бўлиб ўтган видеоселектор йиғилишида таъкидланганидек, банк тизимидеги ижобий силжиллар баробарида, муаммолар ҳам кўп. Бунга жорий йил давомида Президентининг виртуал қабулхонаси ва Халқ мувожаатини айнаган банк тизимида таалуқли эканлиги ҳам ёркин мисол бўла олади.

Вазият шундаки, бугун банклар ҳамда бошқа кредит ташкилотлари томонидан гаров тариқасида, асосан, қўчимас мулклар ва транспорт воситалари қабул қилинган. Бошқа кўчар мулкни гаров сифатида қабул қилиш, шунингдек, гаров предмети қиймати кредит миқдоридан анча кўп бўлса-да, навбатдаги гаровини қабул қилиш амалиёти қўлланилмаётти. Кредиторнинг гаров билан таъминланиш тизимидеги самарасиз механизмлар соҳа ривожига салбий таъсир қўрсатмоқда.

Қарор ана шундай муаммоларни бартараф қилиш учун ҳам татбиқ этилдики, эндиликда кредит олиш учун қўйилган гаровдан унумли фойдаланишнинг аниқ тартиби қўлланилади.

Ҳужжатга мувофиқ, 2019 йилнинг 1 январидан бошлаб, гаров билан таъминланган кредиторлар, яъни кредит берган ташкилотлар талабларини гаровга қўйилган мулк қиймати ҳисобидан қондириш қардор ўз мажбуриятларини бажармаган ҳолларда гаров реестрига қардорнинг мулкга бўлган ҳуқуқлари тўғрисида ёзув киритилган санага қўра, календарь кетма-кетлигида амалга оширилади.

— Эндиликда кредит олувчи ҳали биринчи кредитини тўлиқ қайтармай туриб, яна бир бор кредит оладиган бўлса, навбатдаги гаровга қўйишга гаров реестрига тегишли ёзувни киритиш шартли билан аввалги гаровга олувчининг розилигисиз руҳсат этиладиغان бўлди, — дейди Марказий банкининг департамент директори Санжар Носиров. — Бу



Эндиликда ёзма битим мавжуд бўлган тақдирда, гаров предмети ёки кредиторнинг мажбуриятлари бажарилишини таъминлашда ундирувни кўчар мол-мулкка қаратиш учун суд бўйруғи инстуту татбиқ этилади. Яъни ойнаб судма-суд юриб, қарор чикишини кўтишга ҳожат қолмайди.

Яна бир янгилик. Бундан буюн мулк билан таъминланадиган мажбуриятни шу мулк қийматидан

қопланиши мумкин бўлган мажбуриятнинг максимал суммасини кўрсатиш йўли билан аниқлашга руҳсат этилади.

— Мисол учун, гаровга 500 та компьютер жиҳозлари қўйилмоқда, — дейди Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурдаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги етакчи мутахассиси Даврон Пардаев. — Аввалги тартиб бўйича хар битта компьютернинг модели ва бошқаларни тоифалашга тўғри келарди. Эндиликда компьютер жамламасининг аниқ сони ҳисобланиб, унинг максимал суммаси чиқарилади ва шу асосда гаров шартномаси тузилиши мумкин.

Бугунги кунда гаров реестрига ёзув киритиш учун энг кам ойлик иш ҳақининг 20 фоизи, кўчирма бериш учун эса 10 фоизи миқдорда ҳақ тўланади. Тез орада ушбу хизматлар учун ундириладиган тўловлар миқдорини камида икки баравар камайитириш ҳам назарда тутилган.

Умуман, қарор Ўзбекистоннинг банк-кредит соҳасидаги рейтингини ҳамда ижобий имиджини кўтариш, иқтисодий жойбардорликни ошириш, пировардида янги инвестициялар, лойиҳалар ва иш ўринлари очилишида туртки беради. Зеро, тараққиётнинг энг залворли босқичи ҳам ушбу омиллар билан бевосита боғлиқдир.

Баш прокуратура ҳузурдаги Ахборот-таҳлил мултимедиа маркази материаллари асосида Раҳим ШЕРҚУЛОВ тайёрлади.

Маҳаллий Кенгашларда

Томорқачиларга жарима солиш билан иш битмайди Уларга амалий ёрдам бериш керак.

Тошкент вилоятининг Паркент туманидаги томорқачиларнинг 1 479 гектарини кўп йиллик дарахзорлар, 556 гектарини очик экин майдони ташкил этади. Хонадонларда 27,7 минг бош қорамол, 41 мингта қўй, 5,5 минг бош эчки, икки мингдан ортиқ йилқилар боқилмоқда. Очик майдонларга эса помидор, бодринг, пиёз каби экинлар экилиб, мўл ҳосил етиштириляпти.

Аммо ўрганиш жараёнида томорқа имкониятларидан унумли фойдаланмаётган хонадонлар ҳам аниқланди. 300 та ана шундай хонадонга амалий ёрдам кўрсатилди, 42 та хонадон эгаларига эса ер соқилларини уч марта кўпайтириш чораси белгиланди. Халқ депутатлари Паркент тумани Кенгашининг навбатдаги сессиясида депутатлар томонидан айнан шу масалага доир танқидий-тахлилий фикрлар ўртага ташланди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Фермер, деҳқон хўжалиқлари ва томорқа ер эгаларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, қишлоқ хўжалиги экин майдонларидан самарали фойдаланиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони ижроси юзасидан туманда олиб борилган ишлар муҳокама қилинди.

Фармон ижросини таъминлаш мақсадида маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари, қишлоқ ва сув хўжалиги, ер ресурслари ва давлат кадастр бўлимлари, аҳоли бандлигига кўмаклашиш маркази, солиқ

инспекцияси, профилактика инспекторлари, бир қатор жамоат ташкилотлари вакиллари, иборат ишчи гуруҳи тuzилган. Секторлар кесимида мавжуд 54 та маҳалладаги

Шафоат Нурова етти йил аввал имтиёзли кредит ҳисобидан бир сотиқ майдонга иссиқхона қуриб, 7 туп лимон ва улар ораллигига қўқат эккан эди. Лимон ҳосилга киргач, қарзи

хам сўз борди. Фермерлар 70 центнерлик маррани қўзлаб, меҳнат қилмоқда. Лекин лалми ерларга экилаётган галла ҳосилдорлиги йил сайин камайиб борапти. Шу боис лалми майдонларда тоқзор ва боғлар ташкил этиш ҳақидаги таклиф илгари сурилди. Бир гектар майдондаги тоқзордан 7 тонна узум олиш мумкин. Агар тоқлар томчилатиб суғорилса, бу кўрсаткич 3-4 баробар ошади. Даромад ҳам шунга яраша бўлади. Бу сигналган усул. Лекин амалиётга фан, агротехнология янгиликларини, инновацион ғояларни жорий этишда халқаро фермерларда ташаббус етишмаяпти.

Олий Мажлис Сенати аъзолари қатнашган мазкур сессияда қишлоқ хўжалиги билан шуғулланаётганлар ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоялаш, экин майдонларидан самарали фойдаланиш тизимини такомиллаштириш бўйича тегишли қарорлар қабул қилинди.


Шу кун бўлиб ўтган халқ депутатлари Бука тумани Кенгаши сессиясида ҳам мазкур масала қўриб чиқилди. Депутатларнинг бу борадаги шахсий жавобгарлигини ошириш юзасидан тавсиялар ишлаб чиқилди.

Раҳматилла ШЕРАЛИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.



25,5 минг хонадонда бўлиб, томорқа имкониятидан қандай фойдаланяётгани ўрганилди. Натижалар эса айрим хонадонларда ўз ҳаётини фаровон қилиш имкониятидан тўлиқ фойдаланяётгани аниқланди. Албатта, жарима солиш билан иш битмайди. Уларга амалий ёрдам бериш керак. Туманда томорқа имкониятларидан самарали фойдаланаётган, бу борада кўчмақал намуна бўлаётган хонадонлар кўп. Уларнинг тажрибасини омалаштириш жуда муҳим. Масалан, номданклик

Чингиз Айтматов таваллудининг 90 йиллиги олдиан



Президентимизнинг 2018 йил 2 апрелдаги "Буюк адиб ва жамоат арбоби Чингиз Айтматов таваллудининг 90 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида"ги қарори қардош халқ улуғ сиймосига юртдошларимиз томонидан кўрсатилган ҳурмат-эътибор, меҳр-муҳаббатнинг амалий ифодаси бўлди.

Чингиз Айтматов умри давомида амалга оширган ишлари, умуминсоний мавзулар қаламга олинган бадиий юксак асарлари билан ҳар биримизнинг кўз ўнгимизда, қалбимизда "Эзгулик курашчиси" деган ўзига хос портретни яратиб кетгани, шубҳасиз.

Рост сўзни айта олган инсон

Дунё халқларини тинчлик, дўстлик ҳамда иноқликда яшашига чорлаган адиб табиятан ғоят куюнчак, ҳақ сўзни ниҳоятда мардлик ва жасорат билан айта оладиган инсон эди. Айтматов учун башарият тақдирини ижобий томонга ўзгартиришга таъсир ўтказадиган кичик масаланинг ўзи йўқ эди.

Чингиз Айтматов мавжуд муаммолари собиқ Марказ сессияларида ҳам очик-ойдин кўтариб чиққан. Масалан, 1978 йил якуний ҳисоботи ва 1978 йил давлат пани, яъни Иттифоқ режаларини қўриб чиқишга бағишланган мажлисда сўз олиб, Қирғизистондаги ачинари ҳолатини — аниқ ҳақиқатни айтади. Мухокамага ташланган мас-

ларнинг айримлари кейинчалик ечимини топади.

Айтматов улғу гуманизм эгаси сифатида ном қолдирган буюк шахс ҳам эди. Бу инсоннинг дунёда юз бераётган ижтимоий-сийсий воқеалардан, турли минтақалардаги ҳолат-вазирлардан нафақат хабардорлиги, балки уларнинг мағзини қақиб, моҳиятида ётган турли мақсад-муддотларни тахлилий асосда кенг жамоатчиликка етказиб борганлигини ўша вақтларда марказий нашрларда чоп қилинган кўплаб публицистик мақолалари, турли конференция ва анжуманларда сўзлаган нутқлари исботлайди.

"Чўққиди қолган овчининг оху зори" деб номланган асарлари ашарида у шундай ёзади: "Икки қардош халқ бир-бирининг ёқасидан ушлаб туришарди. Қарама-қаршиликни қандай қилиб бартараф этиш мумкин? Қулланганда аланга олиб кетган низоми қандай тўхташти мумкин? Бизни ушбу муаммолар ғоятда қийнади эди. Ҳар

бир соатда янги бир хабар етиб келар эди. Юрак-бағримиз ўртаниб амалий ҳаракатга шошиллар эдик".

Ўзбек халқига нисбатан уоштирилган "Ўзбек иши", "пахта иши" каби ноҳақ сийсий кампаниялар чоғида халқимиз шаъни, обрў-эътиборини ҳимоя қилиб чиққан, вазиятга объектив баҳо берган инсонлар орасида Чингиз Айтматов ҳам бор эди. Унинг "Шўролар даврида ҳам, ундан кейин ҳам Ўзбекистон бизнинг Шарқдаги сўзимиз ва юзимиз бўлиб келган. Биз Туркистон тоғлари ва чуқурида бирга яшаймиз. Ўзбек халқи ўзининг гўзал ва бетакор миллий жуусиятлари билан, шубҳасиз, барча тан олган шундай хурматга лойиқдир", деган сўзлари бугун ҳам ҳар биримизни гурурантириб, эл-юрт тақдирига дахлдор бўлиб яшашига ундаб туради.

Шабоб ХҲЖАЕВ, Қорақалпоғистон Республикасида хизмат кўрсатган фан ва техника арбоби, тибийёт фанлари доктори, профессор.

Хабар

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ВАЗИРЛИКЛАР, ДАВЛАТ ҚҰМИТАЛАРИ ВА ИДОРАЛАР ТОМОНИДАН ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ҲУҶЖАТЛАРНИ ДАВЛАТ РҶЙХАТИДАН ҲАҚИДА ТЎҒРИСИДА 2018 ЙИЛ 8 СЕНТЯБРДАН 14 СЕНТЯБРГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТНИ ХАБАР ҚИЛАДИ.

- 1. Давлат рўйхатидан ўтказилди: 1. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг 2018 йил 8 сентябрдаги 457-мх-сон "Юридик хизмат ҳодимини лавозимга тайинлаш ва озод қилиш масалаларини адлия органлари билан келишиш тартиби тўғрисидаги низомига қўшимчалар ва ўзгартиришлар киритиш ҳақида"ги буйруғи. 2018 йил 8 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2864-2. (2018 йил 10 сентябрдан кучга кирди). 2. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Молия вазирлиги, Марказий банки Бошқарувининг 2018 йил 17 августдаги 48, 120, 340-В-2-сон "Йодланган тузани реализация қилишдан ташқари маблагларнинг бир қисmini Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридидаги "Саломатлик-3" лойиҳасини амалга ошириш марказий бюросининг махус ҳисоб рақамида жамлаш тартиби тўғрисидаги низомига ўзгартириш киритиш ҳақида"ги қарори. 2018 йил 12 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2828-2. (2018 йил 13 сентябрдан кучга кирди). 3. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2018 йил 10 августдаги 117-сон "Бюджет таснифини қўллаш бўйича йўриқномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги буйруғи. 2018 йил 14 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2146-9. (2018 йил 15 сентябрдан кучга кирди). 4. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2018 йил 18 августдаги 27/8-сон "Банкларни рўйхатга олиш ва улар фаолиятини лицензиялаш тартиби тўғрисида низомига ўзгартиришлар киритиш ҳақида"ги қарори. 2018 йил 14 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2014-14. (2018 йил 15 сентябрдан кучга кирди).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ВАЗИРЛИКЛАР, ДАВЛАТ ҚҰМИТАЛАРИ ВА ИДОРАЛАР ТОМОНИДАН ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ҲУҶЖАТЛАРНИ ДАВЛАТ РҶЙХАТИДАН ҲАҚИДА ТЎҒРИСИДА 2018 ЙИЛ 15 СЕНТЯБРДАН 21 СЕНТЯБРГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТНИ ХАБАР ҚИЛАДИ.

- 1. Давлат рўйхатидан ўтказилди: 1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2018 йил 10 августдаги 118-сон "Ўзбекистон Республикаси бюджет тизими бюджетларининг газна ижроси қондаларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги буйруғи. 2018 йил 15 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2850-2. (2018 йил 15 сентябрдан кучга кирди). 2. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитасининг 2018 йил 10 сентябрдаги 127, 2018-71-сон "Давлат рўйхатидан ўтмасдан тадбиркорлик фаолиятини амалга оширувчи жисмоний шахслардан қатъий белгиланган солиқни ундириш тартиби тўғрисидаги низоми тасдиқлаш ҳақида"ги қарор, шунингдек унга ўзгартиришларни ўз қучини йўқотган деб топиш тўғрисида"ги қарори. 2018 йил 21 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2463-2. (2018 йил 22 сентябрдан кучга кирди). 3. Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирлигининг 2018 йил 13 августдаги 217-сон "Ўзбекистон Республикаси фуқароларини Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида турган жойи бўйича ҳисобга олиш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартиришлар киритиш ҳақида"ги буйруғи. 2018 йил 21 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2804-1. (2018 йил 22 сентябрдан кучга кирди). II. Давлат реестридан чиқарилди: 1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитасининг "Давлат рўйхатидан ўтмасдан тадбиркорлик фаолиятини амалга оширувчи жисмоний шахслардан қатъий белгиланган солиқни ундириш тартиби тўғрисидаги низоми тасдиқлаш ҳақида"ги қарори (рўйхат рақами 2463, 2013 йил 31 май), шунингдек унга ўзгартиришлар (рўйхат рақами 2463-1, 2018 йил 12 март). Адлия вазирлигининг 2018 йил 21 сентябрдаги 462-мх-сон буйруғига асосан давлат реестридан чиқарилди. Мазкур ҳужжат қонунчиликка ўзгартириш киритилиши ва/ёки янги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниши муносабати билан давлат реестридан чиқарилди.

Ташкилотлар ва таълимчилар раҳбарлари диққатиغا!
Бозорлар қуриш бўйича «НВU BUNYODKOR INVEST» МЧЖ дирекцияси
Кўйидаги объект қурилиши юзасидан пудрат ташкилотини аниқлаш учун энг яхши таклифлар танлови бўйича очик харидлар ўтказилишини маълум қилади
Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 27 мартдаги ПҚ-2853-сонли қароридан белгиланган лойиҳани амалга ошириш доирасида Сирдарё вилояти, Сайхунобод туманидаги «Сайхунобод деҳқон бозори» МЧЖни реконструкция қилиш ва унинг худудида бир қаватли минимаркет, ёрдамчи иншоот билан 50 ўринли ёнгил металл конструкциялардан тайёрланган йиғиш-ёйиш павильонини ўз ичига олган IV типли замонавий савдо мажмуасини қуриш.
Харид ишларининг охириги қиймати: ҚҚСни ҳисобга олганда 3 282 413 241 сўм, ҚҚСни ҳисобга олганда 2 735 344 368 сўмни ташкил қилади.
Молиялаштириш манбаси: Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки маблағлари.
Қурилиш муддати: пудрат шартномаси имзоланган вақтдан бошлаб — 180 кун.
Буюртмачи: бозорлар қуриш бўйича «НВU BUNYODKOR INVEST» МЧЖ дирекцияси.
Манзил: 100060, Тошкент ш., Я. Фуломов кў., 95-уй, тел.: 71-236-23-18.
Савдоларда қатнашувчилар учун кўйидаги квалификацияловчи (таснифловчи) талаблар қўйилади: харид буюми қийматининг 20 фоиз ҳажми (656 482 648 сўм)даги айланма маблағлар ёки курсатиб ўтилган маблағларни тақдим этиш бўйича банк фоллати, ишларни амалга ошириш учун зарур ишлаб чиқариш базаси, меҳнат ресурслари ва мутахассислар, шартнома имзолаш учун фуқаровий-ҳуқуқий лаёқат ҳамда ваколат, охириги уч йилда шу каби объектлар ва харид объектлари бўйича иш тажрибаси мавжуд бўлиши керак.
Харид ҳужжатлари exarid.uzex.uz сайтига жойлаштирилади. LOT: № 9040704.
Харидларда иштирок этиш учун савдо ташкилотчиси — бозорлар қуриш бўйича «НВU BUNYODKOR INVEST» МЧЖ дирекциясининг кўйидаги манзилига мурожаат қилиш лозим:
Тошкент ш., Я. Фуломов кў., 95-уй, тел.: 71-236-23-18, 71-233-83-27; электрон почта — nbu.direksiya@mail.ru.
Харид ташкилотчисига таклиф юборилиши охириги муддати — 2018 йил 7 декабрь.
Таклифларни очиш 2018 йил 10 декабрь кунини соат 10.00 да кўйидаги манзилда бўлиб ўтади: Тошкент шаҳри, Я. Фуломов кўчаси, 95-уй.

Халқ сўзи Народное слово
Муассислар: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси
Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ
2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1145. 72 518 нусxada босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қозғ бичими А—2, Баҳоси келишилган нархда.
Телефонлар: Девонхона 71-233-52-55; Котибхона 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.
Манзил: Тошкент шаҳри, Амир Темурут шохқучаси, 20-уй, Тошкент автомобиль йўлларини лойиҳалаш, қуриш ва эксплуатацияси институтини, ходимлар бўлими, 156-хона. Телефон: 71-232-15-29.

Ушбу жойда Сизнинг рекламанингиз бўлиши мумкин эди!
Манзил: Тошкент ш., Матбуотчилар к., 32-уй, Тел.: 71-232-10-63, 71-232-11-15. E-mail: reklamaxs@mail.ru, reklama@xs.uz
Ташкилотчиси билан қўшимча шартнома имзоланиши ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунали расмийлаштириш ташкилот жавобгар.
Газета ташкилот компьютер марказида териял ҳамда оператор М. Пегуратов томонидан саҳифаланган.
Газетанинг полиграфия жиҳатдан сифатли чоп этилишига "Шарк" нашриёт-матбаа ва акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.
• МАНЗИЛИМИЗ: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. Навбатчи муҳаррир — Ф. Абдулов. Навбатчи — Р. Шерқуллов. Мусаххач — С. Исмолов.
"Шарк" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 00.50 Топширилди — 01.45 2 3 4 5 6